

# TOSHKENT HAQIQATI

2023-yil  
15-noyabr  
CHORSHANBA  
№ 85 (13644)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline\_24

Haqiqat online

haqiqatonline\_



QR-kod

## ОҚ ЛИБОСЛИ, ЭНГ ЭЪЗОЗЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ЭЪТИБОР



**Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан "Қибрай" санаторий-сиди тантанали тадбир ташкил этилди.**

Унда вилоят ҳокими Зойир Мирзаев сўзга чиқиб, Президентимизнинг соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларига йўлаган байрам табригини ўқиб эшиттирди.

– Дунёда ҳар бир нарсанинг ўз ўлчови, мезони ва баҳоси бор, – деди вилоят ҳокими. – Лекин, инсон учун ўзи ва яқинларининг саломатлигидан ортиқ бахт ҳам, бойлик ҳам йўқ. Эл саломатлигини таъминлаш, авлодлар баркамоллигига эришиш ҳар қандай давлатнинг, ҳар қандай жамиятнинг энг устувор мақсади, ижтимоий сиёсатининг бош бўғинидир.

Таъкидланганидек, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар аҳолининг барча қатлами, шу жумладан, узоқ қишлоқ одамларига юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатишда муҳим омили бўлмоқда. Шу мақсадда сўнгги йилларда соҳани янада ривожлантиришга қаратилган юздан ортиқ ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар қабул қилинди.

2

## Она ва бола саломатлиги доимо эътиборда



## Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

Маҳаллаларда ёшлар етакчилари фаолиятининг йўлга қўйилиши туфайли ёшлар муаммоларини ҳал қилиш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан тизимли ишлаш, уларнинг бандлигини таъминлашда янги имкониятлар юзага келди.

## Янги имкониятлар палласи



Президентимизнинг 2022 йил 19 январдаги "Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори эса бунда асосий дас-

туриламал вазифасини ўтапти.

Ҳозир Тошкент вилоятидаги 1 минг 25 та маҳаллада ёшлар етакчилари иш олиб бораёти. Улар томонидан мунтазам ташкил этилаётган хатлов натижасида ёшларнинг турли тақлиф ва муаммолари аниқланяпти, улар тегишли тартибда бартараф этилмоқда. Айниқса, йил давомида амалга оширилаётган турли лойиҳа ва дастурлар ёшларни бирлаштириб, ижобий натижаларга эришилмоқда.

Маҳалладаги ёшлар етакчилари КР1 рейтинг-баҳолаш натижалари белгиланган йўналишларда, жумладан, "Ёшлар баландлиги"ни шакллантириш, "Ёшлар дафтари" ва "Ёшлар портали" электрон платформаларини рақамлаштириш, Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш борасидаги самарадорлик даражалари мунтазам аниқланяпти. Бу борада охири пайтлар Оҳангарон, Нурафшон, Бекобод ва Чирчиқ шаҳарлари, Пискент, Тошкент, Оҳангарон, Қибрай, Бекобод ва Бўстонлик туманларида натижалар юқори бўляпти.

2

## Тухфа

Тиббиёт ходимлари куни арафасида Олмалиқ кон-металлургия комбинати ҳомийлигида тўлиқ таъмирланган Олмалиқ шаҳар туманлараро перинатал маркази фойдаланишга топширилди.

Марказнинг тантанали очилиш маросимида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси масъуллари, ОКМК раҳбарияти ва жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

2

## РЎЗФОР халтасидаги "ОҒУ"

3



## "Яшил макон" НУРАФШОНДА "ЖУРНАЛИСТЛАР БОҒИ"

"Яшил макон" умум-миллий ҳаракати элимизнинг эзгу қадриятларини янги ва замонавий руҳда қайта кўз очишида, Ўзбекистоннинг ҳар қарич ерини чинакамига яшилликка буркаш, тоза ва мусоффо ҳавога бой, соғлом ва қадри баланд инсонлар яшайдиган мамлакатга айлантиришда эзгу қадам бўлмоқда.

2



## Вилоят бўйлаб



ТОШКЕНТ вилоятида маҳалла ёшлари ўртасида "Беш ташаббус" олимпиадасининг 2-мавсуми доирасида танлов ва спорт мусобақалари ўтказилди. Унда вилоятнинг туман ва шаҳарларидан жами 106 нафар иштирокчи совриндор бўлди.

ЎРТА ЧИРЧИҚ туманида "Ёшлар дафтари"га киритилган 21 нафар йиғит-қизга ўз бизнесларини бошлаш учун "Ёшлар жамғармаси" маблағи ҳисобидан мотокультиватор, тиккув машиналари, ноутбук ва рангли принтер топширилди.



ТОШКЕНТ туманининг Айри ота номли маҳалласида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Ярмаркада Тошкент ва Қибрай туманларида жойлашган корхоналар 240 та бўш иш ўринлари билан қатнашди.



БЎКА тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш. Абдиев хитойлик инвесторлар билан музокара ўтказди. Унда хорижий инвесторлар тақлиф этаётган лойиҳалар ва уларни амалга ошириш имкониятлари муҳокама қилинди.



БЕКОБОД шаҳридаги 7-сонли умумтаълим мактабида ўқувчи қизлар иштирокида "Эрта турмуш қиришнинг салбий оқибатлари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда шаҳар ҳокимининг ўринбосари Н. Назарова қизларнинг одоби, кийиниш ва сўзлашиш маданияти ҳақида суҳбатлашди. Шунингдек, қизлар, албатта, бирор касбини эгаллашлари кераклиги ҳақида маслаҳатлар берилди.




Обуна-2024

Ҳурматли газетхон!

"Тошкент ҳақиқати" газетасига 2024 йил учун обуна бўлишни унутманг. Хонадонингиз ва идорангизга йил бўйи ҳафтада икки марта – чоршанба ва шанба кунлари кириб бориб, Сизни зериктириб қўймасликка, яқин маслакдош бўлишга кафолат берамиз!

Унутманг, оилада мутолаа маданияти газета ўқишдан бошланади!


Нашр кўрсаткичи – 205.





Мушоҳада

Бугун полиэтилен пакетлар ҳаётимизга анча енгиллик олиб кирди. Озиқ-овқат ё бирор бир буюмни ташиш учун қулай, қўшимча жой талаб этмайди.



манбаларига юзландим. Полиэтилен пакетлардан фойдаланишни дунёда биринчи бўлиб АҚШ, Хитой, Австралия, Сингапур, Бангладеш, Франция, Грузия, Ҳиндистон давлатлари тақиқлаган экан.

Хозирда Тошкент шаҳрида бир қатор йирик супермаркетлар ва номдор брендларга эга бўлган ширинлик сотувчилар аллақачон иссиқ нон ва пиширилган учун қоғоз пакетлардан фойдаланишяпти.

Депутатлик фаолиятим давомида соғлиғи билан муаммолари бор кўпчилик инсонлар билан учрашаман, уларнинг касаллик тарихини эшитаман ва ёрдам беришга ҳаракат қиламан.

Мен туман кенгаши депутаты сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига полиэтилен пакетлар қўлланишINI босқичма-босқич чеклаш борасида қонунчиликка ўзгаришлар киритиш бўйича таклиф билдириб, мурожаат этдим.

Шунингдек, юқоридаги таклифим ҳам ушбу Қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришда инобатга олиниши маълум қилинган.

Абдуазиз АБДУРАЗОҚОВ, Тошкент давлат транспорт университети доценти, Халқ депутатлари Шайхонтоҳур тумани кенгаши депутаты

СПОРТ янгиликлари

Илк ғалаба

Индонезияда ўтаётган 17 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг 2-тур учрашувлари якунланди.



Илк турда Мали терма жамоасига йирик ҳисобда имкониятни бой берган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси мазкур турда канадалик тенгурларига қарши майдонга тушишди.

килларимиз ўз гуруҳида учинчи ўринни эгаллаб турибди.

Баракалла, қизлар!


Тошкент шаҳрида гандбол бўйича "Women's IHF Trophy - Asia Continental Phase" турнири ўз якунига етди.



Айлана тизимида кечган турнирнинг сўнги беллашувида ўсмирларимиз Бангладеш жамоасини 38:15, ёшларимиз эса Гонконгни 46:27 ҳисобда доғда қолдиришди.

Дубайдан иккита кумуш

Дубай шаҳрида енгил атлетиканинг ярим марафон йўналиши бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди.



Яккалик йўналишида 1 соат 13 дақиқа 29 сония натижа қайд этган Ҳамидова 5 йил аввал ўзи ўратган Ўзбекистон рекордини янгилашга эришди.

Ҳисобдаги 3:46:08 натижаси жамоавий дастурда кумуш медалларни тақдим қилди.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири Сухробжон САДИРОВ тайёрлади

Рўзғор халтасидаги "ОҒУ"

Ҳисоб-китобларга кўра, бундай пакетлар инсон бутун умри давомида қолдирадиган чиқиндиларнинг 10 фоизини ташкил қиларкан. Афсуски, уларни йўқотиш ва қайта ишлаш ҳам бир қадар мураккаб.

Ҳужаликда полиэтилен пакетлардан фойдаланиш қулай бўлиши мумкин, аммо, уларнинг соғлиғимиз учун ўта зарарли эканлиги тўғрисида ҳеч уйлаб кўрганмисиз?

Гап шундаки, пластик пакетлар ўзида оғир кўрғошин моддасини сақлайди. Боз устига, ишлаб чиқарувчилар пакетларнинг жозибдорлигини ошириш мақсадида уларга турли бўёқлар қўшишади.

Ҳақинда хизмат сафари билан Қирғизистон давлатида бўлганимизда бир ҳолатга дуч келдим. Мамлакат Парламенти бир марталик полиэтилен пакетларни сотиш,

таомларни пластик идишларга солиб бериш одатга айланган.

Полиэтилен пакет ёки пластик идишларга иссиқ нарсалар солинганда улардан захарли бисфенол моддаси ажралиб чиқиб, бир зумда таомга ўтади. Бу модда эса таом орқали организмга кирди ва турли касалликларга, жумладан, ошқозон-ичак, юрак-қон-томир, саратон ривожланишига сабаб бўлади.

Яқинда хизмат сафари билан Қирғизистон давлатида бўлганимизда бир ҳолатга дуч келдим. Мамлакат Парламенти бир марталик полиэтилен пакетларни сотиш,

ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишни тақиқлаб, 2024 йилдан уларни ишлаб чиқаришни бутунлай тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилибди.

Харидорларга қоғоздан тайёрланган эко-пакетлар таклиф этиляпти. Эко пакет ва полиэтилен пакетнинг нархлари сотувда деярли бир хил, аммо эко-пакетнинг инсон саломатлигига ва атроф-муҳитга зарарсизлиги тўғрисида деярли ҳар бир дўкон сотувчилари томонидан харидорларга тушунтириш берилляпти.

Бу масалани чуқурроқ ўрганиш мақсадида интернет



Мавсум юмушлари ШАҲАРЛИК ҚИЗДАН ЧИҚҚАН ДЕҲҚОН

Юртимизга куз том маънода олтин сепини ёйган. Айниқса, далаларда иш қайнайди: картошка, сабзи, лавлаг, қарам йиғиш авжида.



– Хозир деҳқоннинг қуни "туққан" болам, – дейди сабзи саралаётган Барно опа Аҳмадалиева. – Биз ҳар йили шу ерда сабзи экामиз.

Билсангиз керак, сабзи бир йил арзон, бир йил қиммат бўлади. Даромади ҳам шунга яраша. Аммо сабзи экишга ўрганган одам қанда қилмайди. Уғлим фермер ҳўжалигида сувчи бўлиб ишляпти.

Ҳосил мўллигидан ҳашарчилар ҳам ёллашади. Уларнинг қўли-қўлига теғмайди: кавлаб олинган сабзиларни уч хилга саралашмоқда.

– Мен 2-гурӯх ногиронлик нафақасини оламан. Яқинда бепул озиқ-овқат маҳсулотлари олаётган ногиронларга шу озиқ-овқат ўрнига қўшимча пул тўлаб берилади, деб эшитдим.

Сўраган эдингиз

Саволга Тошкент вилояти адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси Алишер ТУРҒУНОВ жавоб беради:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 июндаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийларининг моддий таъминотини яхшилаш ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорига кўра, 1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва концлагерларнинг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамалида ишлаган фуқароларга, шунингдек, ўзгалар парварishiга муҳтож ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга бепул етказиб бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ўрнига ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридан қўшимча тўлов тўлаб берилиши жорий қилинди.

Шунга кўра, қўшимча тўлов Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги томонидан пенсияларни ва нафақаларни тайинлашга масъул бўлган ташкилотга ўзгалар парварishiга муҳтож бўлган ташкилотга ўзгалар парварishiга муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ёки ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисида тақдим этиладиган маълумотлар асосида амалга оширилади.

Агар пенсионер ёлғиз ногирон сифатида ҳисобга олинмаган ва бепул озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келмаган бўлса, мазкур қўшимча тўловлар улар учун жорий этилмайди.

Эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги "Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-4845-сонли Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 февралдаги "Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 95-сон қарори талабларига мувофиқ, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2023 йил 13 ноябрдаги "Тошкент вилояти ҳудудида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун ягона тарифларни белгилаш тўғрисида"ги VI-83-106-10-0-К/23-сонли қарорига мувофиқ, "Ангрен Бунёд Файз" МЧЖ, "Раҳнамо Сервис" МЧЖ, "Зангиота ободон" МЧЖ, "Zero-Waste" МЧЖ ҳамда "Оҳангарон санитария тозалаш" МЧЖ томонидан Тошкент вилояти ҳудудларида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун 2023 йил 1 декабрдан қуйидаги тарифлар жорий этилмоқда:

– Бир нафар аҳоли учун бир ойлик тўлов – 4 400 сўм;

– Юридик шахслар учун 1 м³ 61 000 сўм (қўшимча қиймат солиғисиз), 68 320 сўм (қўшимча қиймат солиғи билан)ни ташкил этади.

Тошкент вилояти Оҳангарон тумани Нуробод шаҳарчаси истеъмолчилари диққатига!

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2023 йил 13 ноябрдаги VI-83-105-10-0-К/23-сонли қарорига асосан, 2023 йил 1 декабрдан бошлаб истеъмолчиларга етказиб бериладиган ичимлик суви ва оқова хизматлари нархлари ўзгаришини маълум қиламиз.

1. ИЧИМЛИК СУВИ: Аҳоли учун 1 м³ 550 сўм устама ҳақ – 50 сўм Бюджет ташкилотлари 1 м³ 1200 сўм + ҚҚС устама ҳақ – 50 сўм Улгуржи истеъмолчилар 1 м³ 1200 сўм + ҚҚС устама ҳақ – 50 сўм

2. ОҚОВА ХИЗМАТИ: Аҳоли учун 1 м³ 1050 сўм устама ҳақ – 50 сўм Бюджет ташкилотлари 1 м³ 2000 сўм + ҚҚС устама ҳақ – 50 сўм Улгуржи истеъмолчилар 1 м³ 3000 сўм + ҚҚС устама ҳақ – 50 сўм

Эслатма: Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 25.02.2019 йилдаги 05/1-4774-сонли топшириғи ҳамда Тошкент вилояти ҳокимининг 2019 йил 13 мартдаги 200-сонли қарорига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармасига талаб этиладиган маблағлар тушумини таъминлаш мақсадида ичимлик суви таъминоти хизматлари учун махсус устама ҳақ миқдори 50 сўм/м³ ва оқова суви хизматлари учун махсус устама ҳақ миқдори 50 сўм/м³ қўлланилади.

Маълумот учун: Ҳисоблағич ускуналари бўлмаган ҳолатларда совуқ сув хизмати бўйича тўловлар белгиланган тарифларга ошиб боровчи 1,5 коэффициентини татибқ этиш билан амалга оширилади.

«КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

